
БОЛАЖОНЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ УЛАШИЛДИ

Қува туманида Янги йил байрами муносабати билан анъанавий “Президент арчаси” тантаналари ташкилланди.

Юз-кўзларида қувонч ва шодлик, ўзларига кўрсатилаётган чексиз эътибор ҳамда ғамхўрликдан мамнунлик ифодаси балқиган болажонлар иштирокида ўтган тадбирда туман ҳокими Равшанбек Қурбонов барчани байрам билан қизғин қутлади.

Ҳар йили анъанавий равишда ўтказиб келинаётган “Президент арчаси” байрам тадбирлари фарзандларимиз учун юксак ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир, - деди Р.Қурбонов ўз сўзида. - Таъкидлаш лозим, поёнига етаётган 2019 йил туманимиз аҳолиси учун ҳам қувончли натижаларга, ютуқ ва муваффақиятларга бой бўлди. Умид қиламизки, 2020 йил ҳам биз учун, фарзандларимиз учун навбатдаги талабаларни, зафарли онларни тортиқ этади.

Саҳналаштирилган бадиий чиқишлар, болажонларнинг шўх-шодон куй-қўшиқлари байрам тадбирига ўзгача файз киритди. Тантана иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг байрам совғалари топширилди. Болалар турли эртақ қаҳрамонлари билан бирга қўшиқлар куйлаб, рақсга тушдилар.

Байрам тадбирлари давом этмоқда.

Қува тумани ҳокимлиги

Ахборот хизмати.

2019-12-28 18:56:07